

Ўзбекистон Республикаси Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Индекс 150100, Жўйдам МФЙ, Янгиобод кўчаси, 5-уй.
АИКБ «Ипак Йўли» Фарғона шаҳар филиали х/р № 20 208 000 904 113 361 001 МФО: 01168 СТИР: 203585547
мобил.: (99) 692-48-82 (91) 651-80-13 web.sayt: bmmaudit.uz E-mail: bmmaudit@yahoo.com

«Шарғункўмир» АЖ Кузатув кенгашига
Аудиторлик хулоса №30
(Кўшимча изоҳлар билан фикр билдирилган)

Аудиторлик ташкилоти тўғрисида маълумот

Аудиторлик ташкилотининг номи: «BMM-AUDIT» МЧЖ (матнда – “Аудиторлик ташкилоти”)
Хукукий манзили: Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Янгиобод кўчаси, 5-уй
Телефон: (99) 692 48 82
Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида маълумот: Адлия Вазирлигида 2001 йилнинг 10 апрелида давлат рўйхатидан ўтган. Рўйхат рақами № 618
Аудиторлик ташкилоти рўйхати: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигида 2025-йил 20-ноябрь куни аудиторлик ташкилотлари реестрига киритилган.
Профессионал масъулиятни суғурта полиси: Суғурта полиси “IMKON-SUGURTA” АЖ шаклидаги суғурта компаниясидан берилган. 2025 йилнинг 25 ноябрда 13-057/0002659-сон билан рўйхатга олинган. 40 000 000 000 сўм.
Банк ҳисоб рақами: 2020 8000 90041 1336 1001
Банк номи: «Ипак йўли» АИКБ нинг Фарғона шаҳар филиали. Банк коди 01168
СТИР: 203 585 547
ИФУТ: 69202
ҚҚС тўловчисининг регистрация коди: 330050297094
Бош директор, бош аудитор Ботиров Музаффар Махаммадович, аудиторнинг малака сертификати 05599-сон, 20.03.2019 йил
Бош аудитор: Исақов Мирзамурод Холматович, аудитор малака сертификати № 02983, 01.08.2022 йил (муддатсиз)
Аудит учун асос: 2026 йилнинг 04 апрелдаги 58-сон шартнома
Текширув даври: 01.01.2025 й. - 31.12.2025 й.

Текшириш объекти тўғрисида маълумот

Тўлиқ номи: «Шарғункўмир» АЖ
Юридик манзили: Сурхандарё вилояти, Сарийосиё тумани, Шарофобод маҳалла, Минор кўчаси 35-уй
Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида маълумот: Жамият Сурхандарё вилоят Сарийосиё туман Давлат хизматлари маркази томонидан 2025 йил 3-октябрь куни 2464871 сони билан қайта рўйхатга олинган ва “Шарғункўмир” акциядорлик жамияти акциядорларининг 2025 йил 26-сентябрдаги 2-сонли умумий йиғилиш қарори билан тасдиқланган.
Низом жамғармаси: 2 229 598 000 сўм
Акциядорлар Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги: 99,552 % - 2 219 612 000 сўм,
Сарийосиё т. Бозор М к.к: 0,051 % - 1 151 000 сўм,
Жисмоний шахслар: 0,396 % - 8 835 000 сўм.
Статистик маълумотлари КТУТ 162369, ХХТУТ 11312, ДБИБТ 03504, МхОБТ 1722217
СТИР 200 494 307
Асосий фаолияти Кўмир қазиб олиш
ҚҚС рўйхатдан ўтиш коди 322 110 010 384
Аудит текшируви тури Мажбурий аудиторлик текшируви (“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуининг 35-моддаси).

ФИКР

Биз жамиятнинг 2025 йил 31 декабр ҳолатига МҲМС бўйича тузилган “Бухгалтерия баланси” №1-шакл “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот” №2-шакл, шунингдек “Ҳисоб сиёсати”нинг аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, «Шарғункўмир» АЖнинг 2025 йил 31 декабр ҳолатига МҲМС бўйича тузилган “Бухгалтерия баланси” №1-шакл “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот” № 2-шакл, “Ҳисоб сиёсати”нинг аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари мувофиқ ҳаққоний тақдим этади.

ФИКР БИЛДИРИШ УЧУН АСОСЛАР

Текширув давомида «Шарғункўмир» АЖ да Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Қонунининг 14-моддасига (2016 йил 13 апрелдаги 404-сон) ҳамда Солиқ кодексининг 77-моддасига мувофиқ ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланиши лозим бўлган ҳисоб сиёсати жорий йил бошида тасдиқланган шаклда мавжуд эмаслиги, солиқ сиёсати эса белгиланган тартибда расмийлаштирилиб, масъул орган томонидан тасдиқланмаганлиги аниқланди.

Биз Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС-700) га мувофиқ аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг “Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги” бўлимида батафсил ёритилган. Биз жамиятдан мустақил равишда Бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ стандартлари Кенгашининг (БХАСК) “Профессионал бухгалтерлар учун ахлоқ” Кодекси талабларига ва ахлоқий қоидаларига, молиявий ҳисобот аудитига тегишли, ҳамда ушбу талабларга ва БХАСК Кодексида белгиланган бошқа мажбуриятларни бажарганмиз. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

АУДИТНИНГ МУҲИМ МАСАЛАЛАРИ

Аудитнинг муҳим масалалари ушбу масалалар, бизнинг профессионал мулоҳазамиздан келиб чиққан ҳолда жорий давр учун молиявий ҳисоботни текшириш учун энг муҳим бўлган масалалардир. Лекин ушбу масалалар бўйича алоҳида фикр билдириш мажбурияти юкланмайди

Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва корпоратив бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги.

Раҳбарият молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тўғри тақдим этиш учун, МҲМС га мувофиқ фирибгарлик ва хатолик туфайли жиддий бузиб кўрсатилган молиявий ҳисоботларни тайёрлаганлик учун, ҳамда раҳбарият томонидан қабул қилинган ички назорат тизими учун жавобгар.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият жамият фаолиятининг узлуксизлигини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган ахборотларни ошкор этиш ва фаолият узлуксизлиги таҳминига кўра ҳисобот беришга жавобгар, агарда раҳбарият

«BMM-AUDIT» МЧЖ бош директори:

Аудиторлар:

томонидан жамият фаолиятини тугатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса.

Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар корхонанинг молиявий ҳисоботларини тайёрлашни назорат қилиш учун жавобгардир.

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик ҳулосасида акс эттириш. Ақлли ишонч – ишончнинг юқори даражаси бўлиб, АХС ларга мувофиқ ўтказилган аудит ҳар доим ҳам мавжуд жиддий хатоларни аниқлай олишга кафолатли эмас. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади.

Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудитнинг бир қисми сифатида биз бутун аудит давомида профессионал мулоҳаза юритамиз ва профессионал скептицизмни қўллаймиз. Бундан ташқари биз қуйидагиларни бажарамиз:

- фирибгарлик ёки хатолик туфайли молиявий ҳисоботнинг жиддий бузилиши хатарини аниқлаш ва баҳолаш, ушбу хатарларга жавобан аудиторлик амалларини ишлаб чиқамиз ва бажарамиз, аудит фикри учун асос бўлиб хизмат қиладиган аудиторлик далилларини оламиз. Фирибгарлик натижасида муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик rischi хато туфайли муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик riskидан юқори, чунки фирибгар сохталаштириш, қасддан хато қилиш, нотўғри маълумот бериш ёки ички назорат тизимини четлаб ўтувчи ҳатти-ҳаракатларни амалга оширган бўлиши мумкин;



- жамиятнинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади;

- қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллиги ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг ифодаланишини баҳолаш;

- бухгалтерия ҳисоби ва бошқарувдан олинган аудиторлик далиллари асосида, жамиятнинг фаолиятни узлуксиз давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа туғдириши мумкин бўлган воқеалар ва ҳодисалар билан боғлиқ муҳим ноаниқликлар мавжудлиги ёки йўқлиги тўғрисида, раҳбарият фойдаланиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса қиламиз. Агар биз муҳим ноаниқликлар мавжуд деган ҳулосага келсак, аудит ҳисоботида молиявий ҳисоботдаги ноаниқликларни ёритиб беришга эътиборимизни қаратамиз ёки ноаниқликларни ёритиб бериш имкони бўлмаса аудит фикрини ўзгартирамиз. Бизнинг аудит ҳулосамиз олинган аудиторлик далилларига асосланади. Келажакдаги воқеа ва ҳодисалар жамият фаолиятининг узлуксизлигига таъсир этиши мумкин.

- биз молиявий ҳисоботнинг тақдим этилишини, унинг тузилиши ва таркибини, шу жумладан маълумотларнинг ошқор қилинишини ва молиявий ҳисобот асосий операциялар ҳамда ҳодисаларни ишончли тарзда тақдим этишини баҳолаймиз.

Биз Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар билан аудитни режалаштириш, аудит ўтказиш вақти ва аудитда аниқланган муҳим камчиликлар, шу жумладан аудит давомида аниқланган ички назоратдаги ҳар қандай камчиликлар тўғрисида алоқа қиламиз.



Биз шунингдек Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар аудитнинг мустақиллигига тегишли барча ахлоқий талабларга риоя қилинганлиги тўғрисида баёнот берамиз ва ушбу шахсларга аудитнинг мустақиллигига таъсир қилиши мумкин бўлган барча муносабат ва масалалар тўғрисида хабар берамиз.

Биз Корпоратив бошқарув учун масъул шахсларга хабар қилинган масалалардан жорий давр молиявий ҳисоботи аудитида энг муҳим ва аудитнинг асосий масалаларини аниқлаймиз. Биз ушбу аудитнинг асосий масалаларини аудит ҳисоботимизда ёритамиз, ушбу масалалар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиниши қонун ёки бошқа ҳужжатлар билан тақиқланган ҳоллар бундан мустасно, ёки биз камдан-кам ҳолларда ушбу масалаларни ошкор қилмаслик керак деган хулосага келамиз. Чунки бундай ахборотнинг салбий оқибатлари ижобий оқибатидан ошади деб тахмин қилиш мумкин.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги
«BMM-AUDIT» аудиторлик ташкилоти бош
директори, бош аудитор:

М. М. Ботиров

Бош аудитор:



Исаков М. Х.

Сана: 04 май 2026 йил
Сариосиё, Ўзбекистон